

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.42.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ДАВРОНОВ ҚАХРАМОНЖОН АНВАРЖОНОВИЧ

**АГРОТЕХНИК ОМИЛЛАР ОРҚАЛИ ҒЎЗАДА ҲОСИЛ
ЭЛЕМЕНТЛАРИ ТЎКИЛИШИНING ОЛДИНИ ОЛИШ
ЧОРАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)

Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Давронов Қахрамонжон Анваржонович

Агротехник омиллар орқали ғўзада ҳосил элементлари тўкилишининг олдини олиш чораларини такомиллаштириш..... 3

Давронов Қахрамонжон Анваржонович

Совершенствование способов предотвращения опадения плодоеlementов хлопчатника с помощью агротехнических факторов..... 29

Davronov Qaxramonjon Anvarjonovich

Improvement of measures to prevent falling off productive elements of cotton with agrotechnical factors..... 57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 61

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.42.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ДАВРОНОВ ҚАХРАМОНЖОН АНВАРЖОНОВИЧ

**АГРОТЕХНИК ОМИЛЛАР ОРҚАЛИ ҒЎЗАДА ҲОСИЛ
ЭЛЕМЕНТЛАРИ ТЎКИЛИШИНING ОЛДИНИ ОЛИШ
ЧОРАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2019

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ваз
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.DSc/Qx5 рақам билан
рўйхатга олинган**

Докторлик диссертацияси Фарғона политехника институтида (ФарПИ) бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.cottonagro.uz ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Ибрагимов Одилжон Олимжонович,**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: **Элмуродов Абдугани Актамович,**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент.

Рахмонкулов Саидакбар Рахмонкулович,
биология фанлари доктори, профессор.

Бабоев Саидмурат Кимсанбаевич,
биология фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация химояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.42.01 рақамли илмий кенгашнинг «___» _____ 2019 йил соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: piim@agro.uz.

Докторлик диссертацияси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

Ш.Н.Нурматов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
к.х.ф.д., профессор.

Ф.М.Хасанова,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, к.х.ф.н., профессор.

Ж.Х.Ахмедов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор.

КИРИШ (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда дунёнинг пахта етиштирувчи Америка Қўшма Штатлари, Хитой, Австралия, Исроил, Ҳиндистон ва Бразилия каби 84 та мамлакатларида жами 32 – 33 млн. гектар майдонда ғўза экилиб, ҳар йили 25 млн. тоннага яқин пахта толаси етиштирилади¹. Дунёда пахта ҳосилдорлигини оширишда физиологик фаол моддалар ва суюқ азотли ўғитлар билан ғўзани баргидан озиклантириш агротехнологиясидан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган. Шунингдек, ғўза навларининг яхши ўсишига, ҳосил элементларининг кўпроқ шаклланиши ва ҳосил салмоғи ҳамда сифатини оширишга қаратилган пахта етиштириш агротехнологияларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Дунё қишлоқ хўжалигининг пахта етиштирувчи йирик мамлакатларида физиологик фаол моддалардан самарали фойдаланишда чигит экиш олдидан ва ўсимликни ўсув даврларида ишлов бериш, суюқ азотли ўғитлар билан ўсимлик баргидан озиклантириш натижасида ўсимликда кечадиган фотосинтез жараёнларини ҳамда чигитнинг униб чиқишини тезлатиш, касаллик ва зараркундаларга бардошлилигини ошириш орқали пахта майдонларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш мақбул агротехнологияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш қишлоқ хўжалигининг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Республикамиз пахтачилигида ресурстежовчи агротехнологияларни қўллаб юқори ва сифатли пахта ҳосили олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”да² қишлоқ ва сув хўжалигини илм – фан ютуқларини жорий этиш асосида ривожлантириш, унинг экспорт салоҳияти самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни қўллаш муҳим вазифалардан бири этиб белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги “2016 – 2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2460 сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 декабрдаги “2019 йилда ғўзани навлари бўйича жойлаштириш ва пахта хом-ашёсини етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида”ги 1037-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда 2019 йил ҳосили учун чигит экиш

¹ <http://www.agroinfo.in>; <http://www.global.com>; <http://www.agric.gov.ab.ca>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича “Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони.

ишларини мақбул муддатларда ўтказиш ва ғўза парвариши бўйича агротехника тадбирларини амалга ошириш юзасидан “йўл хариталари” ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг бажарилишида ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Ғўза парваришида физиологик фаол моддалар ва биоўғитлар билан чигитга экишдан олдин ҳамда ўсимликни ўсув даврларида ишлов бериш меъёрларини аниқлаш, чилпишни кимёвий препаратлар ёрдамида ўтказиш ва ўсимликни баргидан озиклантиришда суюқ азотли ўғитларни қўллаш бўйича жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари жумладан, United State Agricultural Department of Agriculture (USDA), Chinese Academy of Agricultural Sciences (Хитой), Indian Central Institute for Cotton Research (Ҳиндистон), Australian Cotton Research Institute (Австралия) ва Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида (Ўзбекистон) изланишлар олиб борилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда турли физиологик фаол моддалар ва суюқ азотли ўғитларни қўллаш орқали экинлар ҳосилдорлигини оширишга доир жаҳонда олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий натижалар олинган: ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир этиб, ҳосил элементларини тўкилиши камайган, уларни мақбул меъёрлари аниқланган (United State Agricultural Department, Australian Cotton Research Institute, Chinese Academy of Agricultural Sciences); биологик ва суюқ азотли ўғитлар қишлоқ хўжалигига интенсификация қилиниб, қўшимча равишда барг орқали озиклантириш агротехнологиялари ишлаб чиқилган (University of California, Universiteti of Arizona, New Mexico State University Indian).

Бугунги кунда ғўза парваришида барча агротадбирлар – тупроққа ишлов бериш, озиклантириш, суғориш, стимуляторлар ва биоўғитлар билан чигитга экиш олдида ишлов бериш ва амал даврида маъдан ўғитлардан тайёрланган суспензияларни қўллаш, культивация қилиш ва бошқа агротехник тадбирларнинг ўсимликни ҳосил элементларини тўкилишини олдини олишдаги таъсири бўйича кенг қамровли назарий ва амалий тадқиқот ишлари амалга оширилиб келинмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунгача халқаро илмий ташкилотлар, марказлар ва олий ўқув юртлари томонидан ғўза парваришида ҳосил элементларининг тўкилиши турли ташқи омилларга ва агротехник тадбирларга боғлиқлиги бўйича илмий ишлар олиб борилган. Бу борада ғўзада ҳосил элементларини тўкилишига А.Имомалиев, О.Ф.Матвиенколар томонидан азотли ўғитларни турли меъёрларини,

Б.Алиев, О.Ибрагимовлар турли ғўза навларининг кўчат қалинлиги ва озиклантириш меъёрларини, У.Н.Мадраимов, Б.Тиллабековлар ғўзага ўсишни созловчи моддаларни ва суюқ минерал ўғитларни қўллаб пахта етиштиришни, Ш.Ҳ.Абдуалимовлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда эса чигитга ва ўсимликнинг ўсув даврида физиологик фаол моддалар таъсирини ўрганиб, янги агротехнологиялар бўйича илмий тавсиялар берилган.

Бироқ Республикамизнинг турли тупроқ-иқлим шароитларида ўрта толали ғўза навларини парваришида чигитга экиш олдидан Витавакс 200ФФ, “Унум” стимуляторлари ва “Биоэнергия” биоўғити билан ишлов беришни, ўсимликни ўсув даврида чилпиш мақсадида “Далпикс” ретардантини қўллаш ҳамда ғўзани баргидан озиклантиришда Биоэнергия (биоўғити) ва САКЎ (суюқ азот-кальций ўғити) ни қўллашнинг меъёр ва муддатларини ишлаб чиқиш бўйича етарлича илмий тадқиқотлар ўтказилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Республика Фан ва технологиялар марказининг П-11.1.29 ЎзПИТИ мавзу режаси асосида 2004 – 2009 йиллари, Фарғона политехника институтининг “Фарғона водийси шароитида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш сақлаш ва қайта ишлашнинг илмий асосланган технологиялар концепциясини яратиш” режаси асосида 2014 – 2016 йиллари олиб борилди. Шунингдек, ҚХА-9-041-2015. “Янги биологик ва физиологик фаол моддалар ёрдамида ноқулай табиий иқлим шароитларида эртаги, юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштиришнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш” (2015 – 2017 йй.) мавзусидаги амалий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Республикамизнинг ўтлоқи саз ва типик бўз тупроқлари шароитида чигитга экиш олдидан ва ғўзанинг ўсув даврида стимуляторлар, биоўғит ва суюқ ҳолдаги ўғитлар билан ишлов беришнинг ҳамда ғўзани чилпишда ретардант қўллашнинг мақбул меъёр ва муддатларини ишлаб чиқиш орқали ғўза ҳосил элементларини тўкилишини олдини олиш чораларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: ўтлоқи саз тупроқлар шароитида физиологик фаол моддалар билан чигитга экиш олдидан ишлов беришнинг лаборатория ва дала шароитларида чигитни униб чиқиш даражасига таъсирини аниқлаш;

нихолларнинг илдиз чириш ва гоммоз касаллигига, ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига, барг сатҳи, қуруқ массаси ва фотосинтез маҳсулдорлигига ғўза парваришида чигитга экиш олдидан ва ғўзани ўсув даврида физиологик фаол моддалар билан ишлов беришнинг таъсирини ўрганиш;

суюқ ҳолдаги “Биоэнергия” биоўғити ва САКЎ суюқ азот-кальцийли ўғитларни ғўзага суспензия сифатида қўллашнинг ўсимлик ўсиши ва риожланишига, ҳосил элементларининг тўкилишига, пахта ҳосилдорлиги ва тола сифатига таъсирини аниқлаш;

ғўзада чилпиш агротадбирини ўтказишда кимёвий усулда “Далпикс”

ретардантини қўллаш орқали ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосил элементларининг тўкилиши, пахта ҳосилдорлиги ҳамда тола сифатига таъсирини ўрганиш;

“Унум”, Витавакс 200ФФ стимуляторлари, “Биоэнергия” биоўғити ва САКЎ суюқ ўғитларини ҳамда “Далпикс” ретардантини қўллаш агротехнологияларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Фарғона вилоятининг ўтлоқи соз ва Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароити, ғўзанинг С-6524, Андижон-35, Наврўз навлари; Витавакс-200 ФФ, Унум стимуляторлари, Далпикс ретарданти, “Биоэнергия” биоўғити ва САКЎ (суюқ азот-кальций ўғити) ўғитлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети. ғўзани парваришlashда чигитга экишдан олдин ҳамда амал даврида физиологик фаол моддалар билан ишлов бериш усуллари, ўсув даврларида суюқ ўғитларни қўллаш агротехнологиялари ва улардан фойдаланиш, чигитнинг лаборатория ва дала шароитидаги унувчанлиги, ниҳолларнинг ўсиши-ривожланиши, ҳосил элементларини тўкилиши, қуруқ масса тўплаши ва барг сатҳи, фотосинтез соф маҳсулдорлиги, пахта ҳосилдорлиги, тола ва чигитнинг технологик сифат кўрсаткичларини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг услублари. Тадқиқотлар дала ва лаборатория шароитида олиб борилиб, бунда “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари”, Методы агрохимических агрофизических и микробиологических исследования в поливных хлопковых районах», «Методы агрохимических анализов почв и растений» каби услубий қўлланмаларидан фойдаланилган. Фотосинтез соф маҳсулдорлиги Н.Н.Третьяков услуби бўйича аниқланди. Тажрибалардан олинган маълумотларни ишончилиги умум қабул қилинган математик-статистик ишлов бериш Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспехов услубий қўлланмалари асосида таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат: илк бор Республикамизнинг ўтлоқи соз ва типик бўз тупроқлари шароитида ғўза навлари парваришида чигитга экиш олдида Витавакс 200 ФФ, “Унум” стимуляторлари ва “Биоэнергия” биоўғити билан ишлов беришнинг мақбул меъёрлари аниқланган ҳамда ушбу препаратларнинг ғўза ниҳолларини эрта униб чиқиши, ўсимликнинг илдиз тизими шаклланиши, ўсиши, ривожланиши, пахта ҳосили ва тола сифатига таъсири аниқланган;

чигитга экиш олдида Витавакс 200 ФФ билан 5,0 л/т, “Унум” билан 2,0 мл/т ва “Биоэнергия” биоўғити 5,0 л/т меъёрларда ишлов берилганда ниҳолларнинг униб чиқиши 10 – 15% тезлашгани ҳамда ғўзанинг ўсув даврларида “Биоэнергия” биоўғити билан 5 л/га меъёрида ҳамда ғўзани баргидан суюқ азотли ўғитлар билан озиқлантиришда янги САКЎ (суюқ азот-кальцийли ўғити) нинг 5 л/га ва 10 л/га меъёрлари билан ишлов берилганда ўсимликни ўсиши ва ривожланиши яхшиланиб, гоммоз ва илдиз чириш билан зарарланиши камайгани, шунингдек ҳосил элементларини тўкилиши камайганлиги аниқланган;

ғўза парваришида ўсимликнинг ҳосил элементларининг тўкилишини

олдини олиш ва эртаки, мўл ҳосил олишни таъминлаш мақсадида кимёвий усулда чилпиш учун “Далпикс” ретардантини қўллаш меъёрлари ишлаб чиқилган;

ғўза парваришида физиологик фаол моддалар ҳамда суюқ азотли ўғитлардан самарали фойдаланишнинг ғўза ҳосил элементларини тўкилишини олдини олиш агротехнологик тадбирлари такомиллаштирилган ва иқтисодий томондан баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Фарғона вилояти шароитида ғўза парваришида дастлаб чигитга экиш олдидан физиологик фаол моддалардан Витавакс 200 ФФ 5 л/т ва “Унум” 2,0 мл/т меъёрларида берилганда чигитни униб чиқиши 11,4 – 12,8 фоизга юқори бўлган, илдиз чириш ва гоммоз билан камроқ зарарланган, кўсақлар сони 1,0 – 1,5 донага ортиб, қўшимча 1,5-3,6 ц/га пахта ҳосили олинган.

ғўза парваришида чилпиш агротадбирини ўтказишда кимёвий усулда “Далпикс” ретардантини мақбул таъсири унинг 1,5 л/га меъёрида қўлланилганда кузатилиб, ҳосил элементларининг тўкилиши 52,5 фоизни ташкил этган ва назоратдан 19,8 фоизга камроқ бўлганлиги, пахта ҳосили эса 3,8 ц/га ортганлиги аниқланган;

“Биоэнергия” ва САКЎ ўғитларининг ғўзани ўсиш, ривожлашига мақбул таъсири борлиги, ҳосил элементларининг камроқ тўкилиши кузатилиб, Биоэнергиянинг 5 л/т ва 5 л/га, САКЎ ўғитининг эса 5 л/га ва 10 л/га меъёрларида назоратдан 11,0 ва 11,5 фоизга камроқ бўлган натижада 3,2 ва 3,1 ц/га қўшимча пахта ҳосили олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг аниқлик доираси уларни вариацион-статистик таҳлил қилиниши натижасида ўз ифодасини топганлиги ҳамда олинган натижаларнинг амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажрибада олинган маълумотларнинг маҳаллий ва чет эл илмий нашрларда чоп этирилиб, апробация кўригида мутахассислар томонидан хулосалар берилганлиги, тадқиқот натижаларининг Республика ва Халқаро илмий конференцияларда маърузалар қилиниб муҳокамалардан ўтганлиги, натижалар бўйича тавсия қилинган ишланмаларнинг ишлаб чиқаришга кенг жорий қилинганлиги мазкур ишнинг ишончлилигини асослайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, Фарғона вилоятининг ўтлоқи саз тупроқлари шароитида ўрта толали ғўза навларининг парваришида чигитга экиш олдидан Витавакс 200ФФ, “Унум” стимуляторлари ва “Биоэнергия” биоўғитларидан самарали фойдаланишнинг чигит унувчанлигига, илдиз тизимининг юқори шаклланишига, ўсиш-ривожланиши ва ҳосил тўплашининг яхшиланишига, касалликларга бардошлилиги ортишига таъсири аниқланганлиги ҳамда ўсув даврларида “Биоэнергия” ва САКЎ суюқ азот-кальцийли ўғитлари билан баргдан озиклантириш, ғўзани чилпишда “Далпикс” ретардантини қўллашнинг ҳосил элементлари сони ва вазни ортиб сифати яхшиланишидаги таъсири бўйича мақбул қўллаш меъёрлари муддатлари илмий асосда ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти, ғўза парваришида чигитга экиш олдидан стимуляторлардан Витавакс 200 ФФ, “Унум” ва “Биоэнергия” биоўғити билан белгиланган меъёрларида ишлов бериб экишнинг афзаллиги, ғўзанинг уч - тўрт чинбарг чиқарганда ва шоналаш даврларида суспензия сифатида “Биоэнергия” биоўғити ва САКЎ суюқ азот-кальцийли ўғити билан ишлов бериш орқали ўсимликни баргидан озиклантириш ҳамда чилпиш ўтказишда кимёвий усулда “Далпикс” ретардантини қўллаш технологиялари ишлаб чиқилиб кенг жорий этилганлиги ҳамда бунинг натижасида юқори иқтисодий даромадга эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фарғона вилояти ўтлоқи соз тупроқлари шароитида ғўза навларидан юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

фермер хўжаликлари дала майдонларида ғўза парваришида дастлаб чигитни экиш олдидан Витавакс 200 ФФ, “Унум”, “Биоэнергия” каби физиологик фаол моддалар билан ишлов бериш, кимёвий чилпишда “Далпикс” ретардантини қўллаш ва суюқ ўғитлардан САКЎ ва “Биоэнергия” биоўғити билан ўсимликни ўсув даврларида баргидан озиклантириш бўйича қўлланма сифатида фойдаланиш учун “Пахта ҳосилини етиштиришда муҳим агротехник тадбирлар” тавсияномаси ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 04 октябр 02/020-2804-сонли маълумотномаси). Ушбу тавсиянома бугунги кунда пахта етиштирувчи фермер хўжаликлари учун қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

Фарғона вилоятининг ўтлоқи соз тупроқлари шароитида пахта етиштиришда чигитга экиш олдидан “Биоэнергия” биоўғити билан 5 л/т меъёрида ишлов бериб, Бешариқ туманида 150 гектар, Данғара туманида 1255 гектар жами 1405 гектар майдонларда жорий этилган. (Қишлоқ хўжалик вазирлигининг 2019 йил 04 октябр 02/020-2804-сонли маълумотномаси). Ушбу агротехнология жорий этилиши эвазига ўсимликнинг ривожланиши, илдиз тизимининг яхши шаклланиши, ҳосил тўплаши яхшиланиши ҳисобига гектаридан 3,2 – 3,1 центнер қўшимча пахта ҳосили олинишига эришилган;

ғўзани ўсув даврларида САКЎ суюқ азот-кальцийли ўғити билан 15 – 20 л/га меъёри билан шоналаш ва гуллаш даврларида ишлов берилиши жами 1145 гектар майдонларда қўлланилиб, Фарғона вилояти бўйича жами 2550 гектар ғўза майдонларида мақбул парваришлаш агротехнологиялари жорий этилган. (Қишлоқ хўжалик вазирлигининг 2019 йил 04 октябр 02/020-2804-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида бир гектар майдондан 33,0 – 36,0 центнердан ҳосил олиниб, режага нисбатан 4 – 5 центнер қўшимча пахта ҳосили олишга ва рентабеллик даражасининг 10-12 % га ошишига эришилган;

ўтлоқи соз тупроқлар шароитида ғўзани 3 – 4 чин барг чиқарган, шоналаш ва гуллаш даврларида “Биоэнергия” биоўғитини бир гектарга 5 литр, САКЎ ўғитини 5 л/га ва 10 л/га меъёрида қўллаш 150 гектар майдонда

жорий қилинди. (Қишлоқ хўжалик вазирлигининг 2019 йил 04 октябр 02/020-2804-сонли маълумотномаси). Натижада ҳосил элементларини тўкилиши 48,5 – 48,6 фоизни ташкил этиб, назоратга нисбатан 11,0 – 11,5 фоизга камроқ бўлгани ҳолда қўшимча пахта ҳосили 3,2-3,1 ц/га бўлди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари ЎзҚХИИЧМ ва ПСУЕАИТИ томонидан тузилган махсус комиссияси томонидан ҳамда Фарғона политехника институти ИПКТ бўлими томонидан ижобий баҳоланган, ҳисоботлар институтининг услубий кенгашларида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари бўйича Республика ва Халқаро илмий анжуманларда маърузалар қилинган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилиниши. Докторлик диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 9 та республика ва 3 таси хорижий журналларда, 10 таси республика ва халқаро конференция тўпламларида нашр этилган. Шунингдек, 1 та тавсиянома ҳамда 1 та монография чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, етти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, диссертациянинг ҳажми 200 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган илмий тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган. Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқот усуллари, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги, апробацияда ижобий баҳолангани, нашр этилган ишлар ва диссертация ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Пахта ҳосилдорлигини оширишнинг назарий ва амалий асослари бўйича олиб борилган маҳаллий ва хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан олиб борилган изланишларидан олинган натижалар таҳлил қилинганлиги, хулоса ва таклифлари баён этилган. Ғўза ҳосил элементлари тўкилишининг олдини олишда физиологик фаол моддаларнинг аҳамияти, чигит униб чиқишига стимуляторларнинг таъсири, чилпиш усуллариининг самарадорлиги, суюқ ўғитларнинг ғўзани баргидан озиклантиришда ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосил элементлари тўплашига таъсири бўйича тадқиқотлар шарҳи баён этилган. Ғўза парваришида қўлланиладиган чигитга экишдан олдин физиологик фаол моддалар билан ишлов бериш усуллари, экиш меъёри, стимуляторларни қўллаш меъёрларининг уруғлар унвчанлигига

таъсири ҳамда ғўзани ўсув даврларида физиологик фаол моддаларни, суяқ азотли ўғитларни ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши, пахта ҳосили ва сифатига, ҳосил элементларининг тўкилишини олдини олишга таъсири тадқиқ қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Адабиётлар шарҳи охирида ўтлоқи саз тупроқлар шароитида ғўза парваришида эрта баҳор ойларида доимий ҳолда уруғларнинг униб чиқиш даврида ноқулай шароитлар вужудга келиши натижасида чигитни қайта экиш ишларини амалга оширилиши, ўсимликни дастлабки ўсув даврларида ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир этаётган омилларнинг олдини олиш бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаганлиги, ушбу йўналишда илмий изланишларни давом эттириш зарурлиги ҳам баён қилинган.

Диссертациянинг «Тадқиқот ўтказиш шароитлари ва услублари» деб номланган иккинчи бобда тадқиқотлар ўтказилган ҳудудларнинг табиий иқлими, тупроғи, гидрогеологик шароитлари таърифи, тадқиқот ўтказиш услублари ва тажриба ўтказиш тизими, ўрганилган ғўза навлари тавсифи, тадқиқот майдонларида ўтказилган агротадбирлар тизими бўйича маълумотлар келтирилган.

Докторлик диссертацияси бўйича 2004 – 2017 йилларда дастурлар асосида (3 қисмдан) яъни стимуляторлар ҳамда чигит экиш меъёрларининг ғўзани ўсиши, ривожланиши ва пахта ҳосилдорлигига таъсири, чилпиш усуллариининг ғўзани ўсиши, ривожланиши, ҳосил элементларини сақланиши ва ҳосилдорлигига таъсири, суяқ ўғитларни ғўзани ўсув даврида қўллашнинг ўсимлик ўсиши, ривожланиши, пахта ҳосилдорлиги ва тола сифатига таъсири бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

Тажриба даласи тупроғи ўтлоқи саз, кучсиз шўрланган, 0 – 30 см қатламидаги гумус миқдори 0,673 %, умумий азот 0,062 %, фосфор 0,165 %, ҳаракатчан фосфор 23,0 мг/кг, алмашинувчи калий 120 мг/кг ни ташкил этиб, озика элементлари билан кам даражада таъминланганлиги кўрсатилган. Карбонатларга бой бўлиб, сизот сувлари сатҳи 1,5 – 2,0 метр чуқурликда жойлашган, механик таркиби енгил кумоқ ва ўрта микроструктурали тупроқлар сирасига кириши баён қилинган.

Тажриба ўтказилган йиллари об-ҳаво шароити ўртача кўп йиллик маълумотларга яқин бўлганлиги чигит экиш даврида ҳаво ҳарорати изланиш йилларига мутаносиб равишда 15,3; 16,3 ва 17,2 °С ни ташкил қилиб, кўп (16,0) йилликдан –0,7; +0,3 ва +1,2 °С га фарқланганлиги кўрсатилган. Йилларнинг ўртача ҳаво ҳарорати, кўп йилликка нисбатан 1,5; 1,5 ва 1,8 °С ортиқроқ бўлган. Ёғин-сочин миқдорлари апрель ойида кўп йилликдан 2004 йил 34,0 миллиметрга кўп бўлгани ҳолда, 2005 – 2006 йиллари 5,5 ва 7,1 мм камроқ бўлганлиги таъкидлаб ўтилган.

Ќўзанинг амал давридаги фойдали ҳароратлар йиғиндиси йиллар бўйича ўртача кўп йилликдан 88,0; 427,0 ва 227,0 °С га кўпроқ бўлган.

Дала ва ишлаб чиқариш тажрибалари ўтказилган Фарғона ва Тошкент вилоятларининг иқлим шароитларининг ўзига хос хусусиятлари тез ўзгарувчан, қуруқ ва иссиқ – ёз, намгарчилик кўп бўладиган баҳор ва совуқ киши билан ажралиб туриши кўрсатиб ўтилган. Фарғона вилоятининг барча

худудларида ўртача йиллик ҳаво ҳарорати 13,1 – 14,0 °С атрофида бўлса, бу кўрсаткичлар Фарғона вилоятида 13,5 – 15,2 °С га тенг. Энг соvuқ кунлар январь-февраль ойларида кузатилиб, ўртача ҳаво ҳарорати –0,6–2,2, 04–2,0 °С, Қувада –2,0–4,0 °С ни ташкил этса, энг юқори ҳаво ҳарорати эса тегишлича 24,5-26,6; 24,8-26,5 ва 27,0-28,8 °С июнь-июль ойларида бўлиши қайд этилган. Ёғингарчиликлар миқдори ўртача йил давомида мос равишда 355,2–367,6 миллиметрни ташкил этган. Ёғингарчилик, асосан март ва апрель ойларида кўп бўлиб, бу даврларда йиллик ёғин миқдорининг 55–60 фоизи тушиши кўрсатиб ўтилган.

Дала тажрибаларида қуйидаги илмий – тадқиқотлар олиб борилган.

Тажриба бошида даладан тупроқ намуналари ҳайдов (0-30 см) ва ҳайдов ости (30–50 см) қатламларидан конверт усулида беш нуқтадан олиниб, чиринди миқдори И.В.Тюрин, умумий азот ва фосфор И.М.Мальцева ва Л.И.Гриценко, нитратли азот ионометрик услубда, ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчи калий миқдори Б.П.Мачигин ва П.В.Протасов (1963) усулларида аниқланган.

Чигитнинг униб чиқиши ҳар 2-3 кунда барча вариант ва қайтариқларда 16,6 п.м. майдонда тўлиқ униб чиққан ниҳолларни санаш орқали аниқланган.


Ниҳолларнинг илдиз чириш ва гоммоз касалликлари билан зарарланиши чигит тўлиқ униб чиққандан сўнг, уруғ барг ва чинбарг даврида ҳар бир вариантда 100 дона ўсимлик ҳисобида барча қайтариқлар бўйича ҳисобланган.

Июнь, июль, август ва сентябрь ойлариининг биринчи кунларида ғўзанинг биологик ҳолатини аниқлаш бўйича фенологик кузатувлар ёрлик (этикетка) осилган 50 та ўсимликда ўтказилган. Бунда ғўзанинг ривожланиш даврларига мос ҳолатда бош поя баландлиги, чинбарглари, ҳосил шохлари, шоналар, гуллар, кўсақлар, шу жумладан очилган кўсақлар сони ҳисоблаб борилган бўлиб, «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (2007) бўйича ўрганилган.

Барг сатҳи юзаси 2 қайтариқда ҳар бир вариантдан 3 туп ўсимлик намуналари олиниб, шоналаш, гуллаш ва ўсув даври охирида высичка (А.А.Ничипорович 1961) усули билан аниқланган. Шунинг билан биргаликда ўсимлик қуруқ массаси шу даврларда тарозида тортиш усулида аниқланган.

Пахта ҳосили барча вариант ва қайтариқлар бўйича қўлда териб олиниб, гектар ҳисобига айлантирилган ва Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» (М.:1985) қўлланмаси асосида дисперсион таҳлил услубида математик ишлов берилган.

Диссертациянинг «**Стимуляторлар ва чигит экиш меъёрларини ғўзанинг ўсиш, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири**» деб номланган учинчи бобида 1- тажриба тизими бўйича стимуляторлар ва чигит экиш меъёрларини чигитнинг униб чиқишига, ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишига таъсири ўрганилган бўлиб, чигит 60 кг/га экилган назорат вариантда 64,6%, 45 кг/га меъёрда 66,7% униб чиқиб, экиш меъёрлари бўйича 2,1 фоизга фарқ қилган. Бу ҳолат барча вариантларда экиш меъёрларига боғлиқ ҳолдаги қонуният сақланиб қолган (1-расм).



1-расм. Стимуляторлар ва экиш меъёрларини чигитнинг униб чиқиш даражасига таъсири (2004–2006 йилларда ўртача фоиз ҳисобида).

Олинган натижаларга кўра, чигитга Витавакс 200ФФ билан 5 л/т меъёрда ишлов берилиб, 60 кг/га экилганда унувчанлиги 76,1 фоизни ташкил этиб, назоратдан 11,5 фоизга кўпроқ бўлса, 45 кг/га экилганда 76,5% ва назоратдан 9,8 фоизга юқори бўлган. Витавакс 200ФФ ни 6 л/т меъёрида ҳам шунга ўхшаш натижа олиниб, назоратдан 12,8–11,7 фоизга фарқланган, бироқ иқтисодий жиҳатдан Витавакс 200ФФ 6 л/т меъёрининг самараси юқори бўлмаган, шу боисдан унинг 5 л/т меъёри мақбул ҳисобланган.

“Унум” стимулятори 1,0–2,0 мл/т меъёрларида, чигит гектарига 60 кг экилганда униб чиқиш даражаси 72,6–74,0 фоиз бўлиб, назоратдан 8,0–9,4 фоизга, 45 кг экиш меъёрида 74,2–75,4 фоиз бўлиб, назоратдан 7,5–8,7 фоизга фарқ қилган.

Натижаларда Фарғона вилоятининг ўтлоқи саз тупроқлари шароитида С-6524 ғўза навининг тукли чигитларига Витавакс 200 ФФ 5 л/т, “Унум” 2,0 мл/т меъёрларда ишлов берилиб, гектарига 45 кг экилганда назоратга нисбатан унувчанлиги 8,7–9,8 фоизга, шу препаратлар қўлланилиб 60 кг экилганга нисбатан 0,4–1,4 фоизга ортиб, ниҳолларнинг эртаки ва бир текис униб чиқиши таъминланиши келтирилган.

Чигит экиш меъёри 60 кг/га бўлган назорат вариантыда (1 июн 2004 й.) ғўзанинг бўйи 17,7 сантиметрни, чин барглар сони 4,2 донани ташкил қилган бўлса, 45 кг/га экилганда бу кўрсаткичлар мос равишда 19,5 см ва 4,6 донага тенг бўлиб, чигитга ишлов берилмаганда ҳам экиш меъёрини камайтирилиши ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир қилганлиги аниқланган.


Витавакс 200 ФФ 5,0 л/т қўлланилганда ғўзанинг бўйи 60 кг/га чигит экиш меъёрида 20,5 см, чинбарглар сони 5,4 донани ташкил қилгани ҳолда, чигит 45 кг/га экилганда бу кўрсаткичлар 2,0 см ва 0,6 донага юқори бўлган. Лекин, ҳар иккала чигит экиш меъёрларида ҳам Витавакс 200ФФ нинг таъсири назоратга нисбатан мутаносиб равишда 2,8–3,0 см ва 1,2–1,4 донага ортиқ бўлган. Витавакс 200ФФ ни 6,0 л/т меъёрида ҳам 5,0 л/т қўллангандагига яқин маълумотлар олинган.

Ғўзанинг қуруқ масса тўплашига қўлланилган стимуляторлар ва чигит экиш меъёрларининг таъсири борлиги аниқланган (2-расм).

Чигит 60 кг/га меъёрда экилган назорат вариантыда ғўзанинг ўсув даври охирида барглари 19,3; пояси 24,9; чаноклари 20,5; пахтаси 39,3 г, бир ўсимлик массаси 104,0 граммни ташкил қилиб, шундан вегетатив бўлақлари 44,2 г, генератив бўлақлари 59,8 г. бўлса, чигит 45 кг/га экилганда бу кўрсаткичлар 20,1; 26,2; 22,3; 41,2; бир ўсимликда 109,8, шундан вегетатив бўлақлари 46,3 г, генератив бўлақлари 63,5 граммни ташкил қилган ёки барги 0,8; пояси 1,3; чаноклар 1,8; пахтаси 1,9; бир ўсимлик массаси 5,8 граммга кўп бўлган.

Ғўзани вегетатив ва генератив бўлақларининг қуруқ массаси чигит 45 килограммдан экилган вариантларда 60 килограммга нисбатан бироз ортганлиги кузатилган ва шундай қонуният чигитга турли стимуляторлар билан ишлов берилганда ҳам кузатилиши кўрсатиб ўтилган.

Ғўзанинг энг юқори биомассаси чигитга Витавакс 200ФФ билан 5–6 л/т меъёрларда ишлов берилиб, гектарига 45 кг экилганда барги 21,5–21,3; пояси 30,8–29,7; чанок 27,0–26,7; пахта 50,4–48,3 ва бир ўсимлик массаси 129,7–126,0 г. бўлиб, пахта вазни назоратдан 9,2–7,1 г. ва ўсимликнинг жами вазни 20,9–17,2 граммга юқорилиги аниқланган.



2-расм. Ғўзанинг қуруқ масса тўплашига стимуляторлар ҳамда чигит экиш меъёрларининг таъсири (ўсув даври охири, грамм ҳисобида, 2004 й.).


“Унум” стимуляторининг 1,0 – 2,0 мл/т меъёрларида ҳам чигит 45 кг/га экилганда ғўзанинг қуруқ вазни 60 кг/га экилганга нисбатан юқори бўлиб, барги 21,2 – 21,5 г; пояси 28,3 – 29,0 г; чанок 24,7 – 25,9 г; пахтаси 45,5–46,7 г; бир ўсимлик вазни 119,7–123,1 граммни ташкил қилган ва пахта вазни назоратдан 4,3 – 5,5 г, умумий массаси 10,9–14,3 граммга оғирлиги аниқланган.

Чигитга экиш олдидан стимуляторлар билан ишлов бериш ҳамда экиш меъёрларининг пахта ҳосилига боғлиқлиги аниқланган. Чигит 60 кг/га экилган назорат вариантыда пахта ҳосили 31,3 ц/га, 45 кг/га экилганда 31,9

ц/га бўлса, Витавакс 200ФФ билан 5 л/т ишлов берилиб, гектарига 60 кг экилганда 34,3 ц/га, 45 кг/га экиш меъёрида 35,5 ц/га ни ташкил этиб, назоратга нисбатан 3,0–3,6 ц/га қўшимча ҳосил олинганлиги қайд этилган.

Витавакс 200ФФ 6 л/т меъёрининг таъсири 5 л/т меъёридан сезиларли фарқ қилмай, 34,2–35,2 ц/га, қўшимчаси эса 2,9–3,3 ц/га бўлган. Шунингдек, Витавакс 200ФФ стимулятори билан чигитга ишлов берилиб 45 кг/га экилган вариантларда 60 кг/га га нисбатан 1,0–1,2 ц/га га юқори ҳосил олинган.

Унум стимуляторини 1,0–2,0 мл/т меъёрларида чигит 60 кг/га экилганда пахтадан 33,7–34,2 ц/га ва назоратга қўшимча 2,4–2,9 ц/га, чигит 45 кг/га экилганда 34,6–35,0 ц/га ва қўшимча 2,7–3,1 ц/га ҳосил олиниб, Витавакс 200ФФ дан 0,9–1,2 ц/га камроқ бўлган. Таъкидлаш лозимки, чигитни 45 кг/га экиш меъёрида 60 кг/га экилганга нисбатан 0,8–1,0 ц/га юқори пахта ҳосили олинганлиги аниқланган.



2004 йил $НСР_{05}=1,21$ ц/га, $S_x=3,5\%$; 2005 йил $НСР_{05}=1,4$ ц/га; $S_x=4,3\%$;
2006 йил $НСР_{05}=1,11$ ц/га; $S_x=3,2\%$,

3-расм. Стимуляторлар ва чигит экиш меъёрларининг пахта ҳосилига таъсири (ўртача 2004-2006 йиллар).

Тадқиқот натижаларига кўра Фарғона вилоятининг ўтлоқи саз, кучсиз шўрланган, эрозияга мойил тупроқлари шароитида тукли чигитни экиш меъёрини одатдаги 60 кг/га га нисбатан, 45 кг/га экишда албатта чигитга Витавакс 200 ФФ билан 5 л/т ёки “Унум” стимулятори билан 2,0 мл/т меъёрида ишлов берилиши кераклиги, шунда эрта муддатларда етиштириладиган юқори ва сифатли пахта ҳосили олиш мумкинлиги хулоса қилинган.

Диссертациянинг «Ѓўзанинг ўсиши, ривожланиши, ҳосил элементларини сақланиши ва ҳосилдорлигига чилпиш усуллари таъсири» деб номланган тўртинчи бобида 2-тажриба тизими бўйича 2007 – 2009 йилларда олиб борилган илмий тадқиқотларда, Навоий электрокимё заводида ишлаб чиқарилган “Далпикс” препаратининг ғўза ўсиши, ривожланишини секинлаштиришга ҳосил тугунчаларини сақланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш мақсад қилиб олинган.

Ушбу тажрибада ҳар бир вариантнинг майдони 108 м², шундан ҳисоблиси 54 м² ни ташкил этиб, уч такрорланишда олиб борилган. Тажриба

майдонининг умумий ҳажми 0,64 гектарни ташкил этади (2-тажриба тизими 1-жадвалда келтирилган).

1-жадвал

2 - тажриба тизими (2007 – 2009 йил).

Т/р	Тажриба вариантлари номи	Ишлов бериш меъёрлари
1.	Назорат	Ишлов берилмайди
2.	Қўлда чилпиш	Қўлда чилпиш
3.	“Пикс”	1,5 л/га
4.	“Далпикс”	1,0 л/га
5.	“Далпикс”	1,5 л/га
6.	“Далпикс”	2,0 л/га

Тажрибаларда қўлланилган “Пикс” ва “Далпикс” ретардантларининг ғўзанинг ҳосил тугунчаларини сақланишига таъсири бўйича олинган илмий маълумотлар 2- жадвалда келтирилган.

Тажрибаларнинг 2008 йил шароитида чилпиш ўтказилмаган назорат вариантыда ғўзани чилпиш олдида жами ҳосил тугунчалари 28,8 донани ташкил этган ҳолда, гул ва шоналар сони 9,6 донага, ҳосил тугунлари 2,4 кўсақлар 4,2 донага тенг бўлиб, тўкилганлари эса 12,6 донани ташкил этган.

Бошқа вариантларда чилпиш усулларига боғлиқ ҳолда ўтказилгандан кейин ғўзанинг амал даври охиридаги (сентябрда) кузатувда юқоридаги кўрсаткичлар мутаносиб равишда 34,2 дона 1,5; 0,5; 7,8 ва 24,4 донани ташкил этган, тўкилганлари эса 71,3 фоизга тенг бўлган.

2-жадвал

Чилпиш усуллариининг ғўзани ҳосил тугунчаларини тўкилишига таъсири, 2007–2008 йй.

№	Чилпиш олдида					Чилпишдан сўнг (I-IX)					%	
	жами ҳосил элементи сони, дона	шу жумладан бир туп ғўзада			тўкилган ҳосил элементи сони, дона	жами ҳосил элементи сони, дона	шу жумладан бир туп ғўзада			тўкилган ҳосил элементи, дона		
		гул ва шона	ҳосил тугунча	Кўсақ			гул ва шона	ҳосил тугунча	кўсақ			
2007 йил												
1	25,8	13,4	2,2	2,4	7,8	34,4	1,4	0,6	7,8	24,6	71,5	
2	26,2	13,8	1,9	2,2	8,1	27,6	1,0	1,2	8,3	17,1	61,9	
3	26,0	13,4	2,1	2,3	8,0	30,8	1,5	1,5	8,7	17,3	56,1	
4	25,8	13,5	1,9	2,2	8,2	30,0	1,3	1,4	8,3	17,5	58,3	
5	27,0	14,0	2,3	2,6	8,1	28,9	1,6	1,4	9,0	16,0	55,3	
6	28,0	14,0	2,3	2,7	8,2	27,5	1,7	1,4	8,4	16,0	58,1	
2008 йил												
1	28,8	9,6	2,4	4,2	12,6	34,2	1,5	0,5	7,8	24,4	71,3	
2	29,2	9,3	2,6	4,3	13,0	30,7	1,0	0,7	7,9	26,1	68,5	
3	29,0	9,5	2,5	4,2	12,8	30,6	1,0	0,8	8,8	16,0	52,2	
4	31,6	11,2	2,8	4,9	12,7	32,8	1,6	1,7	9,6	17,9	54,5	
5	31,0	11,0	2,6	4,7	12,7	31,8	1,0	1,6	9,5	16,7	52,5	
6	32,2	10,8	3,0	5,0	13,4	33,1	1,6	1,8	9,5	20,2	61,0	

Тадқиқотларнинг иккинчи йилида (2008) ғўзанинг амал даври охирида олинган ўсимлик намуналарида куруқ массаси назорат вариантыда барглар 18,5 г, поя 24,2 г, чаноқлар 19,8 г ва пахтаси 37,6 граммни ташкил этиб, бир ўсимликнинг умумий куруқ массаси 100,1 граммга тенг бўлганлиги кўрсатилган (3-жадвал).

Чилпиш қўлда ўтказилган вариантда бу кўрсаткичлар мутаносиб равишда 17,2; 25,1; 20,0; 40,0; ва 104,1 граммни ташкил этиб, назоратга нисбатан 1,3; 0,9; 0,2; 2,4 ва 4,0 граммга кўп бўлганлиги кузатилган. Чилпиш қўлда ўтказилган вариантда ғўзани куруқ массасининг нисбатан ортиши аниқланган, бу ўзгариш ғўза ўсимлигида генератив (пахта) органларини ортиши ҳисобига бўлганлиги кўрсатиб ўтилган.

Бунда вегетатив органлар назоратдагидан 0,2 – 0,9 граммга, пахта вазни эса 2,4 граммга ортиқ бўлган. Демак, ўзгариш асосан пахта вазнининг ортиши ҳисобига бўлганлиги аниқланган.

“Пикс” препарати 1,5 л/га меъёردа қўлланилган 3-вариантда баргларнинг куруқ массаси 18,7 г., поясиники 25,0 г., чаноқлариники 21,0 г. ва пахтасининг вазни 42,8 граммни ташкил этиб, бир ўсимликнинг умумий куруқ вазни 107,5 граммга тенг бўлган. Бу кўрсаткичлар назорат вариантыдан мутаносиб равишда 0,2; 0,8; 1,2; 5,2 ва 7,4 граммга чилпиш қўлда ўтказилганга нисбатан эса (1,5), (-0,1), 1,0; 2,8 ва 3,4 граммга фарқланган. Бу ерда қўлда чилпиш ўтказилган вариантга нисбатан барглар ва поя вазни камроқ, лекин пахта вазни эса 2,8 граммга ортиқ эканлиги кузатилган.

3-жадвал


Чилпиш усуллариининг ғўза ўсимликнинг куруқ масса тўплашига таъсири, (амал даври охирида) 2008 йил.

т/р	Тажриба вариантлари	Барглар	Поя	Чаноқ	Пахта	Бир ўсимликда
1	Назорат	18,5	24,2	19,8	37,6	100,1
2	Қўлда чилпиш	17,2	25,1	20,0	40,0	104,1
3	Пикс 1,5 л/га	18,7	25,0	21,0	42,8	107,5
4	Далпикс 1,0 л/га	18,4	23,3	23,1	40,6	105,4
5	Далпикс 1,5 л/га	17,6	24,8	21,7	43,8	107,9
6	Далпикс 2,0 л/га	18,0	25,6	21,4	41,8	106,8

2008 йил шароитида пахта теримлари бўйича назорат вариантыда биринчи теримда 26,5 ва иккинчи теримда 8,5 ц/га жами бўлиб, ўртача 35,0 ц/га пахта ҳосили олинган. Чилпиш тадбири қўлда ўтказилганда бу кўрсаткичлар 30,7 ва 5,1 ц/га ни ташкил этиб, жами пахта ҳосили 35,8 ц/га тенг бўлган (4 жадвал). Бу вариантда назоратдаги ўсимликларга нисбатан 0,8 ц/га қўшича пахта ҳосили олинган. Физиологик фаол моддалар (ретардантлар) алоҳида қўлланилган вариантларда назорат вариантыга нисбатан 3,0–3,8 ц/га кўп ҳосил олинган. Жумладан препаратлардан “Пикс”

1,5 л/га меъёрда ишлатилган вариантда 35,0 ц/га, “Далпикс” 1,0 л/га ишлатилган 4-вариантда 34,8 ц/га “Далпикс” 1,5 л/га ишлатилган 5-вариантда эса 35,8 ц/га; “Далпикс” 2,0 л/га меъёрда қўлланилган 6-вариантда эса 35,6 ц/га пахта ҳосили олинган.

Ѓўзанинг ўсув нуқталари ўсишини тўхтатишда чилпишни қўлда ўтказишга нисбатан кимёвий усулда “Пикс” (1,5 г/га) препарати ёрдамида ўтказилса кўсаклар эрта муддатларда (тезроқ) пишиб етилиши аниқланган.




4-расм. Ѓўзани чилпиш усуллари­нинг пахта ҳосилига таъсири, ц/га.

“Далпикс” ретардантининг 1,5 л/га меъёри таъсирида ҳосилдорлик му­таносиб равишда 32,5 ва 34,4 ц/га ни ташкил этиб, 1-теримда назоратдан 6,6 ц/га кўпроқ, 2 – теримда эса аксинча 4,1 ц/га камроқ ҳосил олинган. “Далпикс” нинг 2,0 л/га меъёри таъсирида ҳам юқоридагига яқин кўрсаткичлар олинган.

Чилпиш “Далпикс” препаратини 1 л/га меъёрда қўллаб ўтказилганда юқоридаги кўрсаткичлар му­тоно­сиб равишда 35,0; 36,3; 33,1 ва 34,8 ц/га ни қўшимчаси эса 2,8 ц/га тенг бўлган. Бу препарат меъё­рини 1,5 л/га ошириш натижасида мақбул кўрсаткичлар олинган ва ўртача 3 йиллик пахта ҳосили 35,8ц/га ни, қўшимчаси 3,8 ц/га ни, қўлда чилпишга нисбатан 2,2 ц/га, “Пикс” ни таъсирига нисбатан эса 0,8 ц/га юқори бўлганлиги аниқланган.

Тадқиқотларда ғўзанинг ўсиш ривожланиш даврида турли чилпиш усуллари ўтказилганда ғўзанинг бир дона кўсакдаги пахта вазни ўзгариши пахта ҳосилдорлигининг ор­тиши кузатилди (5-расм). Олинган натижаларнинг математик таҳлилларида ғўзани чилпиш усуллари­ни бир дона кўсак пахтаси вазни ва ҳосилдорлик орасида юқори даражада ижобий корреляцион боғлиқлик мав­жудлиги ($r=0,999$) аниқланган.



5-расм. Чилпиш усуллари ни ғўзани бир дона кўсак вазни ўзгариши пахта хосилдорлигини ортишига боғлиқлиги, 2008 йил.

Диссертациянинг «Суюқ ўғитларни ғўза парваришида қўллаш агротехнологиясининг чигитларни униб чиқиши, ўсимлик ўсиши, ривожланиши, ҳосил элементларини сақлаши ва пахта хосилдорлигига таъсири» деб номланган бешинчи бобида 3- тажрибада ўтлоқи саз тупроқлар шароитида ғўза парваришида чигитга экиш олдида «Фарғона Биосервис» МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилган «Биоэнергия» биоўғити билан ишлов беришни ҳамда ўсимликни ўсув даврларида баргидан озиклантиришда «Биоэнергия» биоўғити ва «Фарғонаазот» АЖ томонидан ишлаб чиқарилган «САКЎ» (суюқ азот-кальцийли ўғит) суюқ ҳолдаги азот-кальцийли ўғитларини қўллашнинг ўсимлик ўсиши ва ривожланишига, ҳосил элементларининг тўкилишини олдини олишдаги таъсири ўрганилган (5-жадвал).

Бунда ишлов берилмаган назорат вариантыга ҳамда «ЎзГуми» биостимуляторига нисбатан таққослаган ҳолда чигитга экиш олдида «Биоэнергия» биоўғитининг 4,0; 5,0; 6,0 л/т меъёрларини ва ўсимликнинг ўсув даврларида 4,0; 5,0; 6,0 л/га меъёрларида қўллашнинг самарадорлигини аниқлаш орқали пахта ҳосили ва сифатини оширишдаги мақбул меъёрларини лаборатория ва дала шароитидаги таҳлил натижалари асосида аниқланган.

«Биоэнергия» (биоўғити) ни 4,0 л/га меъёри билан чигитга ишлов берилганда, униб чиқиш даражаси дала шароитида 93,1 фоизни ташкил этган бўлса, лаборатория шароитидаги унвчанлиги эса 98,3 фоизни ташкил этиб, назоратдан мутаносиб равишда 8,2 % ва 4,3 фоизга юқори, лекин «Ўзгуми» нинг таъсирида 1,0 ва 0,3 фоизга камроқ бўлганлиги аниқланган (6-жадвал). Лекин, «Биоэнергия» биоўғитининг 5,0 л/т меъёри билан ишлов берилган вариантда юқоридаги кўрсаткичларга нисбатан мутаносиб равишда 93,5 фоизни ташкил этиб, назоратга нисбатан эса чигитнинг униб чиқиш даражаси дала шароитида 16,7 % га лаборатория шароитидаги унвчанлиги эса 4,6 фоизга юқори бўлган.

3-тажриба тизими (2014-2016 йй.)

Т/р	Тажриба вариантлари	Ишлов бериш меъёрлари ва муддатлари		
		чигитга ишлов бериш	3-4 чинбарг чиқариш даврида	шоналаш – гуллаш даври бошида
1	Назорат	сув билан ишлов берилган		
2	“Ўзгуми”	0,7 л/т	0,3 л/га	0,4 л/га
3	“Биоэнергия”	4 л/т	4 л/га	4 л/га
4	“Биоэнергия”	5 л/т	5 л/га	5 л/га
5	“Биоэнергия”	6 л/т	6 л/га	6 л/га
6	Суспензия (карбомид)	-	7 кг/га	10 кг/га
7	САКЎ	-	5 л/га	5 л/га
8	САКЎ	-	10 л/га	10 л/га
9	САКЎ	-	15 л/га	15 л/га
10	САКЎ	-	20 л/га	20 л/га

Тажрибада олинган маълумотларда нисбатан юқори кўрсаткичлар “Биоэнергия” биоўғитнинг 5 л/т меъёри билан ишлов берилганда униб чиқиш даражаси кузатувнинг дастлабки муддатида самарали эканлиги аниқланиб, бунда 9,4 фоизни ташкил қилган ҳолда назоратдан 2,3 фоиз, “ЎзГуми”дан 0,4 % ва ўзини 4 л/т меъёри таъсирдан 0,2 фоизга юқори бўлганлиги аниқланган бўлса, кузатувни охирида бу кўрсаткич 93,5 фоизга тенг бўлиб, назоратдан 16,7 фоизга “ЎзГуми”нинг таъсирида 0,4 % ва “Биоэнергия” ни 4 л/га меъёридан 0,5 фоизга юқори бўлганлиги қайд этилган.

6-жадвал

Биоэнергия ўғитининг чигит униб чиқиш қуввати ва унувчанлиги ҳамда ниҳолларни дала шароитида униб чиқиш даражасига таъсири, 2015 йил.

№	Тажриба вариантлари	Чигитни униб чиқиш даражаси %				Назоратдан фарқи, %
		02.05	04.05	06.05	08.05	
1	Назорат	7,1	21,3	67,2	76,8	-
2	“Ўзгуми”	9,0	27,8	89,2	93,1	16,3
3	“Биоэнергия”	9,2	29,1	90,1	93,2	16,4
4	“Биоэнергия”	9,4	30,1	92,1	93,5	16,7
5	“Биоэнергия”	9,2	29,0	91,3	92,8	16,0

Ўзанинг ўсиши ва ривожланиши бўйича олинган маълумотларда назорат вариантыда бош поя баландлиги 92,4 см, ҳосил шохлари сони 12,0 дона, кўсақлар сони 11,0 дона, шу жумладан очилганлари 4,5 донани ёки 49,5 фоизни ташкил қилганлиги аниқланган. “ЎзГуми” биостимулятори билан чигитга ишлов беришда 0,7 л/т ва ўзани гуллаш даврида 0,4 л/га меъёрларида қўлланилган 2 вариантда юқоридаги кўрсаткичларга мос равишда 97,5 см 12,9; 12,1; 6,7 донани ёки 51,2 фоизни ташкил қилган ҳолда назоратдан бош поя баландлиги 5,1 см, ҳосил шохлари сони 0,9 донага,

кўсаклар сони 2,1 донага ва очилганлари 0,6 дона ёки 4,7 фоизга юқори бўлганлиги кўрсатиб ўтилган. “Биоэнергия” биоўғити билан чигитга ишлов беришда 4 л/т ва ғўзани гуллаш даврида 4 л/га меъёрларда қўлланилган (3) вариантда амал даври охирида бош поя баландлиги 98,4 см, ҳосил шохлари сони 13,0 донани, кўсаклар сони 12,0 донани ва очилганлари 6,7 дона ёки 53,1 фоизни ташкил қилган ҳолда назоратга нисбатан 6,0 см, 1,0; 0,9 ва 1,2 дона ёки 3,6 фоизга юқори бўлган.

САКУ ўғитининг 5 л/га ва 10 л/га меъёрларидан тайёрланган суспензиялар ғўзанинг шоналаш ва гуллаш даврларида қўлланилган вариантда амал даври охирида бош поя баландлиги 99,1 см, ҳосил шохлари сони 13,1; кўсаклар сони 12,8; шу жумладан очилганлари 6,7 дона ёки 53,1 фоизни ташкил этиб, назоратдан мутоносиб равишда 6,7 см, 1,1; 1,8; 2,2 дона ва 3,6 фоизга юқори бўлганлиги аниқланган. Бу кўрсаткичлар эса карбамид асосидаги суспензиядан фойдаланилганга нисбатан мутоносиб равишда 0,9 см; 0,1; 0,8; 0,5 дона ва 1,0 фоизга юқори бўлганлиги кузатилган.

2015 йил шароитида чигитга ва ғўзага фақат сув билан ишлов берилган (назорат) вариантда жами ҳосил тугунлари 10.09 даги кузатувда ўртача 25,9 донани ташкил этган ҳолда шу жумладан: очилган пахта 2,4; кўсаклар 6,8; шоналар 2,5; гуллар 0,7 донани ташкил этиб, сақлангани 10,4 дона, тўкилганлари эса 15,5 донага тенг бўлиб, 59,8 фоизни ташкил этганлиги аниқланган. “ЎзГуми” стимулятори қўлланилганда эса жами 25,2 дона ҳосил тугунлари бор бўлиб, (бу кўрсаткич хатто назоратникидан 0,7 дона камроқдир) шундан 14,7 донаси сақланиб, 48,0 қисми тўкилган, бу охириги кўрсаткич назоратдан 11,8 фоизга камроқ ёки сақланганлари 4,3 донага кўпроқ эканлиги баён қилинган (7-жадвал).

Чигитга ишлов беришда “Биоэнергия” ўғити 4 л/т меъёрда ва 4 л/га меъёрда ғўзани шоналаш даврида қўлланилганда очилган пахта сони 3,0 дона кўсаклар 8,2 дона, шоналар 1,8 дона, гуллар 0,8 дона, ҳосил тугунлари 13,8 донани, жами эса 26,6 донани ташкил этиб, шундан 13,0 донаси ёки 48,8 фоиз қисми тўкилганлиги аниқланган.

“Биоэнергия” ўғитининг ҳосил тугунларини тўкилишига бўлган мақбул таъсири унинг 5 л/т ва 5 л/га меъёрларидан олиниб, жами 26,0 та ҳосил тугунларининг 14,4 донаси сақланиб, 13,6 донаси ёки 48,5 % қисми тўкилганлиги аниқланган.

САКУ ўғитини 5 л/га меъёри ғўзанинг шоналаш ва 10 л/га меъёри гуллаш даврларида суспензия сифатида қўлланилганда ғўза тупидаги жами 28,0 та ҳосил тугунларида 13,5 донаси сақланган ҳолда 14,5 донаси ёки 50,2 фоиз қисми тўкилиб кетганлиги кузатилган. Бу кўрсаткичлар назоратдан яхшироқ, тўкилгани 9,6 фоизга камроқ, хатто карбамид асосидаги таъсиридагидан ҳам 1,8 % га камроқ бўлган, бироқ “ЎзГуми” стимуляторининг таъсирига нисбатан эса 2,2 фоизга камроқ тўкилган.

Чигитга ва ғўза амал даврида назорат вариантыда тажриба йилларига мутоносиб равишда 32,6; 34,0 ва 31,2 ц/га ўртача 3 йилда эса 32,6 ц/га пахта ҳосили олинган ҳолда бу кўрсаткичларнинг ўртачаси теримлар бўйича 22,9; 6,3 ва 3,4 ц/га га тенг бўлган. 2015 йилда нисбатан юқори, 2016 йилда эса

камроқ пахта ҳосили олинган. Назорат вариантыда 1- теримларда ўртача 3 йилда 70,2 % пахта ҳосили териб олинганлиги кўрсатиб ўтилган.

7-жадвал

Чигитга ишлов бериш ҳамда суспензияларни қўллаш меъёрлари ва муддатларининг ғўзада ҳосил тугунларини сақланишига таъсири, (С-6524 ғўза нави), 10.09.2015 йил.

Т/р	Тажриба вариантлари	Ҳосил элементларининг тури ва сони, дона					Ҳосил тугунлари сони, дона		
		очилган пахта	кўсак	шона	гуллар	тўкилган-лари	жами	сақлангани, дона	тўкилгани, %.
1	Назорат	-	-	2,5	0,7	15,5	25,9	10,4	59,8
2	“Ўзгуми”	2,8	7,1	2,4	0,8	12,1	25,2	13,1	48,0
3	“Биоэнергия”	3,0	8,2	1,8	0,8	13,0	26,6	13,8	48,8
4	“Биоэнергия”	4,0	8,4	1,9	1,2	13,6	26,0	14,4	48,5
5	“Биоэнергия”	3,8	8,3	2,0	0,9	13,1	26,6	14,0	49,2
6	Суспензия (карбомид)	2,8	5,8	2,0	0,9	12,5	24,0	11,5	52,0
7	САКЎ	3,8	8,2	1,9	1,1	14,5	28,0	13,5	50,2
8	САКЎ	3,4	8,3	2,0	1,0	12,8	26,5	13,7	48,3
9	САКЎ	3,5	8,4	2,0	1,8	12,9	26,7	13,8	48,3
10	САКЎ	3,4	8,3	2,1	0,9	12,9	25,6	13,7	48,4

